



## ETHNIC PROCESSES IN TURAN DURING THE PERIOD OF THE DOMINANCE OF THE TURKISH KHAGANATE

**A. V. Narbekov**

*Doctor of Philosophy in History, Associate Professor  
National University of Uzbekistan  
Uzbekistan, Tashkent  
E-mail [narbekovabdkamil@gmail.com](mailto:narbekovabdkamil@gmail.com)*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Turks, Turkic Khaganate, empire, Turan, Mazdakism, Hephthalites, Sassanids, confederation, federation, sovereignty, viceroy, Arab Caliphate.

**Received:** 05.12.24

**Accepted:** 07.12.24

**Published:** 09.12.24

**Abstract:** The article reveals the role of the Turkic Khaganate in the history of Central Asia, the reasons for its conquests, the processes of the conquest of the Hephthalite state, forms of government, including the problems of the conquest of the region by the Arab Caliphate.

The study of the history of the Turkic Khaganate occupies an important place in the history of our country. Its significance is determined primarily by the successful struggle of the Turkic Khaganate against the Sassanid state. The Turkic state successfully fought against the Sassanids and thereby preserved the original culture of the peoples of Turan from external threats and created conditions for its further development. Gave its name to the indigenous peoples living in the region, whose spirituality, language and traditions are uniform. This period of historical development is of great importance in educating young people in the spirit of patriotism and love for the history of our homeland, forming in them the knowledge that our national spirituality is an integral part of the spirituality of the Turkic peoples.

## ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВЛАТИ ХУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ТУРОНДАГИ ЭТНИК ЎЗГАРИШЛАР

**A. B. Нарбеков**

*Тарих фанлари номзоди, доцент*

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

*E-mail: [narbekovabdikamil@gmail.com](mailto:narbekovabdikamil@gmail.com)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** туркийлар, турк хоқонлиги, салтанат, Турон, Олтой, Маздак кўзғолони, эфталийлар, сосонийлар, конфедерация, федерация, суверенитет, ноиб, Араб ҳалифалиги.

**Аннотация:** Мақолада Турк хоқонлик давлатининг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни, минтаяга кириб келиши, эфталийлар давлатининг забт этилиши жараёнлари, давлат тузилиши шакли, шу жумладан Араб ҳалифалиги босқини масалалари ёритилган.

Турк хоқонлик тарихини ўрганиш мамлакатимиз тарихида муҳим аҳамиятга эга. Унинг аҳамияти биринчи навбатда Турк хоқонлиги Сосонийлар Эрони давлати тажаоввузига қарши муваффақиятли кураш олиб бориши билан белгиланади. Зоро, мазкур давлат халқимиз ноёб маданиятини ташки таҳдидлардан сақлаб қолди ва унинг янада юксалишига шарт-шароит яратиб берди. Минтақада азалдан яшаб келаётган, маънавияти, тили, урф-одат ва анъаналари бир бўлган халқларга ўз номини берди. Ҳозирги даврда ёшларни миллий маънавиятимиз туркий халқлар маънавиятининг таркибий қисми эканлиги тўғрисида илмий тасаввур ҳосил қилишига хизмат қиласди.

### ЭТНИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ В ТУРАНЕ В ПЕРИОД ГОСПОДСТВА ТЮРКСКОГО КАГАНАТА

**A. B. Нарбеков**

*кандидат исторических наук, доцент*

*Национальный университет Узбекистана*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [narbekovabdikamil@gmail.com](mailto:narbekovabdikamil@gmail.com)*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** тюрки, Тюркский каганат, империя, Туран, Маздакизм, эфталиты, сасаниды, конфедерация, федерация, суверенитет, наместник, Арабский халифат.

**Аннотация:** В статье раскрывается роль Тюркского каганата в истории Средней Азии, причины его завоеваний, процессы завоевания государства эфталитов, формы государственного устройства, в том числе проблемы завоевания региона Арабским халифатом.

Изучение истории Тюркского каганата занимает важное место в истории нашей страны. Его значение определяется прежде всего успешной борьбой Тюркского каганата против Сасанидского государства. Тюркское государство успешно вела борьбу против Сасанидов и тем самым сохранила самобытную культуру народов Турана от внешней угрозы и создало условия для ее дальнейшего развития. Дал свое имя коренным народам проживающим в регионе, духовность, язык и традиции которых является единым. Этот период исторического развития имеет важное значение в воспитании молодёжи в духе патриотизма и любви к истории нашей родины, формирует у них знание о том, что наша национальная духовность является составной частью духовности тюркских народов.

### **1.Долзарблиги:**

Мақолада Турк хоқонлигининг мамлакатимиз тарихида тутган ўрни, уларнинг маданияти, ураф-одат ва анъаналарини сақлаб қолишдаги хизматлари ҳамда этни таркибиға оид масалалар илмий ўрганилган. Эфталийлар, Турк хоқонлги ва Араб халифалиги ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ жараёнларга муносабат билдирилган.

Мамлакатимизнинг илк ўрта асрлар тарихига оид масалалар тўғрисида мулоҳаза юритилган. Ҳозирги даврда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ўтмиш тарихимизга оид масалаларни ёритиш катта аҳамиятга эга. Чунки ўтмишимизни ҳаққоний ёритиш ватанимиз тарихи тўғрисида ёшларда тўғри тасаввур хосил қилишга ёрдам беради. Уларнинг аҳамиятини билишлари ва мустақил мулоҳаза юритишларига кўмаклашади.

### **2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақолада Турк хоқонлиги тарихи илмий таҳлил қилинган. Салтанатнинг маҳаллий халқлар маънваияти, урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолишдаги ўрни ва аҳамияти масалалари қиёсий таҳлил тамойиллари асосида ёритилган. Ушбу мавзуу бир қатор мамлакатимиз олимлари Асқаров А., Сагдуллаев А.С., Алимова Д.А., Ретвеладзе Э.В., Азамат З., Эшов Б.Ж., Муқимов З., ҳамда ҳорижий мамлакатлар олимлари Кычанов Е.И., Крадин Н.Н., кабиларнинг илмий тадқиқот ишларидан маълумотлар келтирилган.

### **3. Тадқиқот натижалари:**

Турк хоқонлиги давлати Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон тарихида муҳим ўринга эга салтанат ҳисобланади. Унинг тарихимиздаги ўрни минтақани навбатдаги туркий салтанат таркибиға киритиши, кудратли Сосонийлар тажовузига қарши кураш олиб бориб,

бетакрор маданиятимизни сақлаб қолгани, минтақа туркий халқларнинг ватани эканлигини намойиш этиши ва туркийлар макони Турон атамасининг мүқим ўрнашганлиги билан изоҳланади.

Турк хоқонлиги Олтойнинг жанубий қисмида вужудга келиб, қисқа вақт давомида асосан туркий халқлар яшайдиган макон, яъни Узоқ Шарқдан Қора денгиз қирғоқларигача, Олтойдан Туронгача ҳудудда ҳоқимиятини ўрнатди [1]. Ташқи сиёсатдаги олиб борган фаол сиёсати, ҳамда маданияти жиҳатидан яқин халқларнинг бирлаштирилиши эди. Тарихий тадқиқтлардан маълум бўладики, хоқонлик қўшни давлатларга юришларида эфталийлардан ташқари жиддий қаршиликка дуч келмаган. Салтанатнинг фаол ташқи сиёсатига қарши кучларнинг заифлигининг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Унинг объектив сабаблари: истлога дуч келган қўшни давлатларнинг аксарият кўпчилиги тарихий ривожланишида инқироз даврига тўғри келган. Бу давлатларда ички зиддиятлар кескинлашган, оқибатда ташқи тажавозни бартараф эта олмаган. Субъектив сабаблар: маданияти, тили, урф-одат ва анъаналари бир-бирига халқлар салтанатга бирлаштирилган [2].

Турон тарихини Гарб тадқиқотчилари илмий ўрганиб туб аҳолиси форсий халқлар эканлиги ҳамда уларнинг она тилида ёзилган манбалари деярли мавжуд эмаслиги тўғрисида илмий асосланмаган ғояларни илгари сурғанлар [3]. Бундай қарашлар манбаларнинг камлиги ёки уларнинг аксарият қисми форсий асосга эга эканлиги, миллий-сиёсий манфаатларга устуворлик берилишидан каби сабаблар таъсирида юзага келган ҳамда илмийлик тамойилларига тўлиқ мос келмайди. Туронда давлат ҳужжатларининг юритилишида форсий тилнинг кенг қўлланилиши ахамонийлар салтанатидан қолган мерос эди. Лекин бу туркий тилли манбалар умаман йўқ деган хulosага келишга асос бўламайди. Форсий манбалар билан бирга туркий тилларда ёзилган манбалар ҳам мавжуд. Масалан машхур Муғ қалъа ҳаробаларидан топилган ҳужжатлар фақат сўғдий тилда ёзилган эмас, улар бошқа тиллар, шу жумладан туркий тилдагиси ҳам мавжуд[4]. Минтақанинг цивилизациялар чорраҳасида жойлашганлиги сабабли шаҳар аҳолиси этник таркибининг хилма-хиллиги, жанубий, жануби-ғарбий ҳудудларда форсий тилли аҳолининг истиқомат қилиши, унинг сақланиб қолишига шарт-шароит яратди. Форсий тилли аҳолининг асосан шаҳарларда жойлашганлигини ҳам эътиборга олиш керак.

Минтақа аҳолиси этник таркибининг хилма-хиллиги туркийларнинг минтақанинг туб аҳолиси эмас деган хulosага келишга асос бўла олмайди[5]. Турк хоқонлигининг минтақани қўшиб олиши ҳам фикримизнинг исботидир, зоро уларнинг қўшни давлатларга юришида энг аввало қардошлиқ алоқалари эътиборга олинган[6]. Турк хоқонлиги Эфталийлар давлатини тугатиб ўз ҳоқимиятини ўрнатишини ерли аҳоли бир ҳоқимиятнинг

иккинчиси билан ўрин алмашинуви сифатида қабул қилган. Сиёсий ҳаётдаги мазкур ўзгариш ижтимоий ҳаёт ва турмуш тарзида кескин ўзгаришларга олиб келмади. Ҳокимиятнинг алмашуви жараёни қардош халқларнинг сиёсий жиҳатдан бирлашуви бўлди. Бундай ўзгаришлар туркий халқларнинг бирлашувига олиб келлиши билан бирга эфталийларнинг ҳам туркийлар бўлганлиги минтақа аҳолининг асосий қисми шу тилда сўзлашганлигидан далолат беради[7].

Тарихий манбаларда Турк хоқонлигининг Эфталийлар давлатини қўшиб олиши турлича таҳлил қилинади. Уларнинг аксариятида бу жараён арафасида эфталийлар давлатининг инқироз даврига тўғри келганлиги қайд этилади[8]. Тадқиқотчиларнинг бундай хulosага келишларига мамлакатда синфий курашнинг кескинлашуви ҳамда умухалқ норозилик ҳаракатлари эътиборга олинган. VI асрнинг бошларида бўлиб ўтган Маздак қўзғолони эфталийлар давлатига ҳам ёйилган. Норозилик ҳаракатлари тезфарсатда бостирилган бўлса ҳам, маздакчилар ғоялари таъсиридаги умумхалқ чиқишлари давом этган [9]. Эфталийлар давлати синфий курашнинг кескинлашганлиги ва ғанимга қарши икки фронтда кураш олиб боришига мажубр бўлганлигига қарамасдан, иттифиқчиларнинг истилоларини зафарли юриш деб баҳолаб бўлмайди.

Эфталийлар давлатидаги ижтимоий-сиёсий зиддиятларнинг кескинлашуви, мамлакатнинг мудофаа салоҳиятига вайронкор таъсири тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ. Қайд этиш лозимки, халқ норозилик ҳаракатлари мамлакатнинг мудофаа салоҳиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмаган.

VI асрнинг ўрталарида турк хоқонлиги чегаралари эфталийлар давлати билан туташгандан кейин хоқонлик қўшни давлатга истилочилик урушини зудлик билан бошлаб юбормади. Чунки қўшни давлатнинг ҳарбий салоҳияти хоқонликни тийиб турувган. Хоқонлик эфталийларга қарши курашда қулай шарт-шароит юзага келишини кутишга мажбур эди. Куратли қўшни давлатга қарши кенг кўламли истилочилик юришларини бошлашдан олдин, унинг заиф томонларини ўрганиш билан бирга, бу курашда ўзига иттифоқчилар топишга ҳаракат қилди. Иттифоқчи ҳам тез фурсатда топилди. Эфталийлардан кетма-кет мағлубиятга учраган, унга қарам бўлиб келган Сосонийлар давлати хоқонликка иттифоқчиси бўлган. Хоқонликнинг ташаббуси билан улар ўртасида умумий рақибга қарши иттифоқ тузилди. Иттифоқчилар алоқалари қуда-андачилик билан ҳам мустаҳкамланган.

Иттifoқчilar tез фурсатda эфталийlар давлатiga қarши Шимоли-Шарқdan Турk xoқonлиgi, Жанубий-Гарbdan Сосонийlар қўshини ҳujum boшlagan. Эфталийlар kучli ғanimlariga қarshi noқulay sharoitda kuras olib boriшиga tўғri keldi. Boskinchilargar қatting қarshilik kўrsatiб, shiddatli janqlar bilan chekinishiغا tўzғri keldi [10]. Bu

кураш эфталийлар учун оғир вазиятда олиб борилган бўлса ҳам асрнинг охирларига қадар курашни давом эттирган [11].

Турк хоқонлиги эфталийлар каршилигини синдириб Амударёнинг қирғоқларига қадар бўлган ҳудудларни эгаллаганидан кейин унинг жанубий чегаралари Сосонийлар давлати билан туташди. Икки давлат ўртасидаги иттифоқчилик алоқалари, Хурросон ҳудуди учун кураш билан алмашди. Турк хоқонлиги дастлаб Амударёнинг чап қирғоғидаги ерларга кириб борди. Лекин ички зиддиятларнинг кескилашуви сабабли, Сосонийлар давлати ҳудудларига чуқур кириб бориш вазифасини ҳал эта олмади.

Тарихий манбаларда қўчманчи ва ярим қўчманчи ҳалқларнинг минтақага кириб келиши, унинг ўтрок ахолиси турмуш тарзи ва маданиятига салбий таъсир кўрсатганлиги қайд этилган [12]. Сиёсий ҳокимиятнинг ўзгариши ўтрок деҳқончиликка салбий таъсир кўрсатиши табиий холат бўлган, лекин шаҳар ахолиси турмуш тарзида бу таъсир деярли сезилмаган. Ўзгаришлар сиёсий ҳокимиятнинг навбатдаги алмашинуви бўлган. Минтақага қўчманчи ва ярим қўчманчи қабилаларнинг навбатдаги кириб келиши деб гапиришга асос бўлади. Сиёсий жараёнлар ҳалқнинг моддий турмуши, маданиятида сифат ўзгаришлариға олиб келмади. Давлат бошқаруви шакли ҳам конфедератив тартиботига аосланганлиги[13], яъни унинг таркибидаги ҳудудларга кенг ваколатлардан фойдаланган ва деярли мустақил фаолият олиб борган. Марказий давлат ҳокимияти органлари (ҳарбий, ташқи сиёсий) маҳаллий ҳокимият билан ўзаро ҳаракатларни мувофиқлаштирган[14].

Турк хоқонлиги давлат бошқарувида маҳаллий ҳукмдорларга таяниши билан бирга, оддий меҳнаткаш фуқароларнинг манфаатлариға мос сиёсат юритган. Хоқонлик бошқарувида “ҳалқ давлат учун эмас”, “давлат ҳалқ учун” ғояси амал қилган. Хоқон ҳалқни иқтисодий фаравонлиги ва тўкин-сочинликда яшашига ғамхўрлик кўрсатиши давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги ҳалқларнинг манфаатлариға мос эди [15].

Ҳукмдорнинг ҳалқига ҳомийлиги ғояси барчага бирдек амал қилган. Салтанат таркибиға киритилган ҳалқ унинг бошқарувини қабул қилиши ёки анъанавий тартиботини сақлаб қолишига ҳақли эди. Марказ ва маҳаллий бошқарувни мувофиқлаштириш мақсадида, сулола хонадони, давлат арбоблари ёки маҳаллий аслзодалардан ноиблар тайинланган. Улар бошқарувда кенг ваколатлардан фойдаланса-да, марказий ҳокимиятга расман итоат этган[16]. Ноиб марказ тайинлаган амалдорнинг назоратида ички сиёсат олиб борар эди. Бундай бошқарув тартиби конфедерация белгиларига тўлиқ мос келмайди.

Турк хоқонлиги дашт ҳудудда вужудга келди [17]. Унда марказий давлат ҳокимияти билан қўшиб олинган ҳудуд (эл)лар ўртасидаги муносабатлар вассалликка асосланган. Бундай давлат бошқарув тизими катта ҳудуда турли сиёсий манфаатлар мувозанатини сақлаб туришнинг энг мақбули эди.

VII асрда тарихий манбаларда Марказий Осиё Туркистон номи билан қайд этилган[18]. Ушбу атаманинг минтақага нисбатан қўлланиши, унинг ҳоқонлик таркибиға киритилганлиги билан ёки истилолар натижасида кириб келган туркий қабилалар билан боғлаб талқин қилиниши илмий асосга эга эмас [19]. Атама тили, анъаналари, маданияти муштарак бўлган халқларнинг умумий номидир.

Юқорида қайд этилганидек, туркий халқлар минтақамизда қадимги давлардан яшаб келган [20]. Турк ҳоқонлиги хукмронлигининг ўрнатилиши минтақмиздаги туркий халқларнинг мавқенини янада мустаҳкамлади деган фикр мунозаралидир. Туркийлар минтақамизнинг туб аҳолиси бўлиши билан бирга, ўз давлатчилиги, ҳокимият эгасига эга халқдир. Қанғарлар ва юэчжилар давлатлари фаолияти фикримизнинг исботи бўлади. Ҳоқонликнинг маҳаллий хукмдорлар (ноиблар)га катта ваколатлар бериши, уларнинг ички ишларига деярли аралашмаганлиги, тили, урф-одати ва анъаналари бир бирига яқин халқлар эканлигини яна бир маротаба исботлайди.

Қадимдан форсий давлатлар минтақамизга таҳдид қилиб турган. Турк ҳоқонлигининг маҳаллий аҳоли (сўғдийлар, бактрияликлар, марғиёналиклар, хоразмийлар)га ҳокимият бошқарувида кенг ваколатлар бериши форсийларнинг таҳдида шароитида ғалати туюлади. Зеро, маҳаллий аҳоли кучлар нисбати тенг бўлиб турган вазиятда, маданияти, урф-одат ва анъаналари яқин бўлган томонни танлиши табиий холатдир. Демак, маҳаллий аҳолининг аксарияти форсий тилли эмас, балки туркийлар бўлган.

Араб халифалигининг Турк ҳоқонлигига босқини, мамлакатнинг инқироз даврига тўғри келди. Салтанат таркибиға киритилган ҳудудларда мустақил мулклар вужудга келди. Маҳаллий хукмдорлар ўртасида ҳокимият учун авж олган рақобат, уларни умумий душманга қарши курашга бирлаштирувчи ғоя ва куч топилмади. Мовароуннахрга (араблар Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерларни шун ном билан атаган) Араб халифалиги қўшинининг дастлабки ҳужуми 651 йилда Марвни эгаллашдан бошланди. Халифаликнинг истилочилик юришлари VIII асрнинг бошларига қадар давом этди.

Араб халифалигининг Мовароуннахрга босқинининг узоқ вақт давом этишини мамлакатдаги ички сиёсий вазиятнинг кескинлашуви, мантақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятни ўрганиш ва талончиликдан иборат эканлиги билан изоҳланади. Келтирилган сабаблар асосли, лекин унинг илдизлари чуқурроқ бўлса керак. Ҳалифаликнинг Мовароуннахрни 50 йилдан ортиқ географик жойлашуви, мудофаа салоҳияти ва бошқа имкониятларини ўрганиш учун муңтазам равишда хужум қлиб туриш ғалати кўринади. Чунки ҳарбий юриш катта моддий ва инсон ресурсларини сафарбар этиш, етказилган талофатни қайта тиклаб олган ғаним кучларини қайта-қайта маҳф этиш талаб этилади. Бундай ҳарбий тактика нафақат катта талофот келтиради, балки тобора кўпроқ ресурслар ва кучларни сафарбар

этишни талаб қиласи. Ҳудудга кўп маротаба ҳужумлар уюштириб, аҳолини талаш эмас балки, мамлакатни бевосита истило қилиб, унинг ресурсларига эга чиқиш ҳар жиҳатдан афзалдир.

Халифалик Мовароуннахрда Турк ҳоқонлиги ва маҳаллий аҳоли лашкарларидан иборат қўшин тимсолида муносиб рақибга дуч келган. Уларни зabit этиш учун Араб ҳалифалиги томонидан давлат миқёсида кучларни сафарбар этиши талаб қилинган. Марказнинг ноиблик кучларига таяниб ҳудудни эгаллаш тактикаси нотўғи эди. Шунинг учун халифаликнинг Мовароуннахрга истилочилик уруши қисқа муддатли талончилик юришларига айланган. Агар Хурросон ноиблигига лашкарбоши, ҳарбий стратег ва тадбиркор Қутайба Ибн Муслим тайинланмаганида, эҳтимол Мовароуннахр ўз мустақиллигини сақлаб қолар эди.

Хулоса қилиб айтганда, Турк ҳоқонлиги Турон тарихида муҳим ўринга эга бўлган салтанатдир. Салтанатнинг тарихимиз тутган ўрни минтақа маданиятини Сосонийлар Эрони тажовузидан сақлаб қолганлиги, маҳаллий манфаатларга мос сиёсат юритиб, унинг тараққиётга хизмат қилганлиги ҳамда минтақада азалдан яшаб келган туркий халқарининг нуфузини янада мустаҳкамлаганлиги билан белгиланади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Азamat Зиё Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Т., 2000. – Б.80-81.
2. Бобоёров F Ғарбий турк ҳоқонлигининг давлат тузуми. – Т., 2018. – Б.124.
3. Вамбери Арминий Путешествие по Средней Азии. – М.: Вост.лит., 2003. – С.256.
- Бартольд В.В. Тюрки: Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. Алматы. 1993.
- 4.Ахмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари (қадимги замон ва Ўрта Асрлар). – Т., 2001. – Б.54.
5. Толстов А.А. Не искажать историю народов Средней Азии (О брошюре А.А.Семенова “Материальные памятники иранской культуры в Средней Азии”). – Электронный ресурс. – Режим доступа:<https://www.academia.edu/105966833/>. Малов С.Е. Древние и новые тюркские языки. Известия Академии наук СССР. Отделение литературы и языка. 1952. Т.11. Вып. 2 март-апрель. – С.136. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. – Т., 2015. – Б.12-13.
6. Бобоёров F Ғарбий турк ҳоқонлигининг давлат тузуми. – Т., 2018. – Б.124.
7. Эрматов М. Этногенез и формирование предков узбекского народа. – Т., 1968. – С.110.

8. Сагдуллаев А.С., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи (қадимги даврдан XX асрнинг ўрталарига қадар). – Т., 2006. – Б.60.
9. Усмонов Қ., Содиков М., Обломуродов М. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. 1-қисм. – Т., 2002. – Б.87.
10. Азамат Зиё Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Т., 2000. – Б.80-81.
11. Алимова Д.А., Ртвеладзе Э.В. Очерки по истории государственности Узбекистана. – Т., 2001. – Б.42-44.
12. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии: Древность и средневековье. – М., 1982. – С.84.
13. Ахмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари (Қадимги замон ва ўрта асрлар). – Т., 2001. – Б.44.
14. Бобоёрнов F Фарбий турк ҳоқонлигининг давлат тузуми. – Т., 2018. – Б.151.
15. Бобоёрнов F Фарбий турк ҳоқонлигининг давлат тузуми. – Т., 2018. – Б.125.
16. Кычанов Е.И. Кочевые государства. – С.113.
17. Крадин Кочевники, империи и социальная эволюция. – С.315.
18. Рафиқ Уздек Туркларнинг олтин китоби. Мерос. Самарқанд. 1-2-сонлар. 1992.
19. Бартольд В.В. Тюрки: двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. – Алмааты. 1993. – С.18.
20. Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. – Т., 1941. – С.3